

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Маманоров Ҳайитмурот

Термиз давлат университети

Юридик факультети ўқитувчиси

E-mail: x.mamanorov@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълимни ривожлантиришнинг айрим масалалари таҳлил қилинган. Бундан ташқари ушбу мақолада Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва унинг таъминланишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган.

***Калим сўзлар:** инсон ҳуқуқлари, дастур, таълим, инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон декларацияси, Конституция, омбудсман.*

ABSTRACT

This article analyzes some issues of the development of national education in the field of human rights in the Republic of Uzbekistan. In addition, this article analyzes normative legal documents related to human rights and their provision in Uzbekistan.

***Key words:** human rights, program, education, universal declaration of human rights, Constitution, ombudsman.*

КИРИШ

Мустақил демократик йўлдан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади, аввало, халқимиз манфаатлари кўзланган ислохотларни амалга оширишга қаратилгани билан эътиборлидир. Бу жиҳатлар Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Бош Қомусимизнинг II боб 13 моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва Қонунлар билан ҳимоя қилинади” дейилган.¹

Инсон ҳуқуқлари - ҳар бир инсоннинг миллати, яшаш жойи, жинси, этник келиб чиқиши, танасининг ранги, дини, тили ва бошқа белгиларидан қатъи назар, ажралмас ҳуқуқларидир. Барча одамлар ҳар қандай турдаги камситишларни истисно қилган ҳолда, инсон ҳуқуқларидан бир хилда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу ҳуқуқлар ўзаро боғлиқ ва ажралмасдир.

¹ https://constitution.uz/uploads/constitution_uz.pdf

Инсоннинг умумбашарий ҳуқуқлари кўпинча шартномалар, халқаро одат ҳуқуқи, ҳуқуқнинг умумий принциплари ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларида қонун кўринишида мустаҳкамланган ва қафолатланган. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ давлатларга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ривожлантириш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларни юклайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳамоҳанг тарзда фаолият юритаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳам шу каби эзгу ишларни амалга оширишга камарбасталик қилмоқда.

Аввало, шунини қайд этишни истардимки, юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳар бир соҳада туб ислоҳотлар жараёни бошланди. Айниқса, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг Ўзбекистон парламенти томонидан тасдиқланганлиги истиқлолнинг илк йилларида қабул қилинган муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Ўзбекистонда қисқа тарихий муддат ичида миллий давлатчиликни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз барча ривожланган ҳуқуқий давлатлардаги каби уч ҳокимиятга, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланди. Халқ фаровонлиги йўлида кучли ҳуқуқий давлатдан фуқаролик жамияти сари илдам қадам қўйиш мақсадида эркин бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодиёт барпо этилди. Шу тариқа, юртимиз халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Албатта, буларнинг барчасига Президентимиз Ислам Каримовнинг жонкуярлиги, ташаббускорлиги ва раҳнамолиги эвазига эришилди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократиялашни қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тузилди. Фармонда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг мақсад ва асосий вазифалари аниқ белгилаб қўйилди.

1996 йил 13 ноябрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори Миллий марказ фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Ушбу қарор орқали Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги Низом ва Миллий марказ тузилмаси тасдиқланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази давлатга қаршли идоралараро таҳлил, тушунтириш ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади. Яъни, мазкур орган инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштиради, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишлар миллий режасини ишлаб чиқади, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузаларини тайёрлайди, давлат хизматчилари учун эса инсон ҳуқуқлари муҳофазаси соҳасида ахборот базасини яратади, уларни ўқитади, маслаҳатлар беради, ташвиқот ишларини олиб боради. Чундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Марказнинг асосий мақсади бу устувор вазифаларни ҳар томонлама ҳал этиш йўли билан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий фаолият дастурини, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя этишнинг кўп жиҳатли тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Шу ўринда, Миллий марказнинг халқаро ҳамкорлигига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт Дастури, ЭХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар Координатори, Халқаро меҳнат ташкилоти, Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи делегацияси, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Хорижий мамлакатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, қатор халқаро жамғармаларнинг ваколатхоналари билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Халқаро шериклар билан ҳамкорликда республикаимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга йўналтирилган турли лойиҳалар амалга оширилади.

Айни пайтда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлардан Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти ҳамда Миллий марказимиз зиммасидаги вазифаларни тўлақонли бажариш йўлида хизмат қилиб келмоқда. Бу ташкилотларнинг ҳаракати, изланишлари ўлароқ, юртимизда инсон ҳуқуқлари муҳофазаси йўлида мустаҳкам қонунчилик тизими барпо этилди. Истиқлол йилларида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир конституциявий қонунлар, кодекслар ва бошқа қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Одам

савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хайрия тўғрисида”ги ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга замин бўлмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий асослари яратилиши ва унинг амалда қўлланиши ҳамда кафолатланишини кузатувчи механизмлардан юқорида тилга олиб ўтилган институтлар билан бир қаторда Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ва Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари бўйича бўлинмалар ва бошқармалар самарали фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умумётироф этилган принцип ва нормалари устунлиги конституциявий асосда эътироф этилади. Бугунги кунда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжатлар, хусусан, БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган 10 та мажбурий халқаро шартномаларни ратификация қилиб, ўзининг халқаро мажбуриятларини мунтазам равишда бажариб келмоқда.

Илмий мақолани тайёрлашда умумлаштириш, дедуксия, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик ва амалиёт материалларини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳимдир.

2020-2024 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида бир қатор ишлаб амалга оширилмоқда.

Шуларнинг каторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 76-сессияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги ташаббус ва таклифларини амалга ошириш доирасида 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” Глобал форуми ўтказилганлиги таъкидлаб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилнинг 7 феврал куни “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори² қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор асосида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълимнинг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилди.

Ушбу қарор Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилган дейишимиз мумкин. Бунинг асосида эса Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури ҳамда уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Ушбу Дастурга кўра, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” бўйича тегишлича ўқув ва махсус курслар жорий этилади.

Ахборот-таҳлилий шарҳлар ва уларнинг таржималарини чоп этиш ва эълон қилиш билан боғлиқ харажатлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига Давлат бюджети доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

2023 йил 1 июндан бошлаб Марказ томонидан ҳар йили:

- ❖ “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновациялар” миллий танлови ўтказиб борилади;
- ❖ ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида фаолияти мазкур шахслар билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилотларда ўқув курслари ва семинар-тренинглар ташкиллаштирилади.

Марказ 2023 йил 1 апрелга қадар:

- ❖ “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари” туркум қўлланма ва рисоаларни тайёрлаш ва чоп этиш чораларини кўради;

² https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasida-inson-huquqlari-sohasidagi-milliy-talim-dasturini-tasdiqlash-togrisida_451945

❖ Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформани яратиш, ишга туширади.

Мазкур бандда назарда тутилган топшириқларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Марказга Давлат бюджети доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

2023 йил 1 мартдан бошлаб терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари доимий равишда ташкил этилади.

2023 йил 1 майдан бошлаб раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича ўқув курслари жорий қилинади.³

Марказ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказларини халқаро шартномаларнинг давлат тилидаги тўпламлари, инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув, илмий-услубий ва халқаро нашрлар, инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бўйича юритилаётган хронология материаллари билан тизимли равишда таъминлаб боради. 2023 йил феврал ойида Ўзбекистонда “Инсон ҳуқуқлари” ҳафталиги ўтказилади.⁴

ХУЛОСА

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини намойиш қилиш, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгиликлар даврида аввало инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бирламчи вазифалардан саналади. Бунда жамиятимизда мавжуд миллий институтлар ичида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилнинг 7 феврал куни “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор асосида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълимнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирилди.

³ <http://www.insonhuquqlari.uz/uz/news/m9808>

⁴ <https://yuz.uz/news/ozbekiston-respublikasida-inson-huquqlari-sohasidagi-milliy-talim-dasturini-tasdiqlash-togrisida>

REFERENCES

1. Muzaffarov, I. N. O. (2021). YANGI DAVRDA INSON HUQUQLARINI VA AVLODLARINI SHAKLLANISHI, RIVOJLANISHI. *Scientific progress*, 2(5), 7-10.
2. Muzaffarov, I. N. O. G. L. (2022). INSON HUQUQLARI SOHASIDAGI IKKI TOMONLAMA STANDARTLAR. *Ta'lim fidoyilari*, 24(17), 2-17.
3. O'G, Mo'Minjonov Bobur Qobiljon. "INSON HUQUQLARI UMUMJAHON DEKLARATSIYASIDA INSON HUQUQLARINING TURLARI." *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali* 1.4 (2022): 218-223.
4. Usmonova, D. (2020). O'zbekistonda inson huquqlarini himoya qilish va erkinliklarini ta'minlash. *Science and Education*, 1(Special Issue 2), 12-17.
5. https://constitution.uz/uploads/constitution_uz.pdf
6. https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasida-inson-huquqlari-sohasidagi-milliy-talim-dasturini-tasdiqlash-togrisida_451945
7. <http://www.insonhuquqlari.uz/uz/news/m9808>
8. Tursunovich, K. O. (2022). FINTECH-CIVIL LEGAL RELATIONS AS AN OBJECT. *World Bulletin of Management and Law*, 17, 42-47.
9. Saidakhrarovich, G. S., & Tursunovich, K. O. (2022). DIGITAL FUTURE & CYBER SECURITY NECESSITY. *World Bulletin of Management and Law*, 10, 31-45.
10. Dilboboev, N. (2022). Issues for Enforcement of Decisions of the International Investment Arbitration on Interim Measures. *Available at SSRN 4299453*.
11. Shavkatugli, D. N. (2022). Conciliation as a Means of Adr Vs Arbitration and Mediation. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 6, 430-436.
12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 14.11.2022 йилдаги 2661-IV-сонли Қўшма қарори;
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 24.12.2021 йилдаги 1690-IV-сонли қўшма қарори.